

Мархабо

Оқибатли қудалар



МАРҲАБО

Оқибатли
қудалар

Шеърлар



Тошкент — 2014

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(5Ў)7
М 26

Тақризчилар:

*Санъат Маҳмудова,
Зухра Алиева*

Эслатма:

*Китобни кўчириб чоп этиш ёки шеърларни қўшиқ қилиш
муаллиф рухсати билан амалга оширилади.*



ISBN 978-9943-4131-6-0

© «Yurist-media markazi»
nashriyati, 2014 й.



ВАТАН ҲАҚИДА ҚАСИДА

Мусофирликда юрган йигитлар номидан

Азиз бола эдим юртимда, уйда,
Ухлар эдим етти қават кўрпада,
Бу ерда ётибман совуқ қапада,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Бир кун юрагимга орзулар тўлиб,
Дедим: «Россияга ишлайман бориб».
Бу ерга келволиб йиғладим нолиб:
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Бойиб, машиналар оламан, дебман,
Қават-қават уйлар соламан, дебман.
Номаъқул бузоқнинг гўштини ебман.
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Йўлга чиқаётсам, дедингиз менга:
«Россияда пишириб қўйибдими-а?!»
Сиз тўғри гапирган экансиз, дада.
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Совуқ мунча ваҳший, чақади юзим,
Бўрон-ла ёғар қор, очирмас кўзим.
Акам айтганидай «онамни» кўрдим
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Россия кенг экан, қанча халқ, миллат,
Тайланд, Вьетнам, Хитой қилади меҳнат.
Бағри кенг Путинга ҳам минг раҳмат
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!



Бу келди-кетдилар ичида қанча,
Уйсизлар ўтирар қурволиб танча,
Бангилик, алкашлик, зино ўшанча,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Ёзи узун, қиши қисқа юртимда,
Тинчгина ишласам бўлмасмиди-а?!
«Пишириб» қўймаган экан бу ерда
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Ўйлабман, борволсам бир бало қилиб,
Пуллар ерда турган бўлса сочилиб,
Териб келарканман шундоқ супириб,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Бир кичик хонада қирқ киши ётар,
Чарчаган, ҳориган эшакдан баттар.
Баъзан мелисалар тепиб уйғотар,
Қанисан, Ватаним, қанисан, Қуёш?!

Бувим тиккан лўла, қуроқ болишлар,
Бу ерда йиртиқ, кир, улоқ болишлар.
Ким йиғлар, ким сиқтар, кимда нолишлар,
Қанисан, Ватаним, қанисан, Қуёш?!

Баъзан, юборишар қулдай сотишиб,
Ҳаққинг ололмайсан тишлаб, олишиб,
Пул топмай ўлай ит қунига тушиб,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Бувим кечалари устимни ўраб,
Тонгда қўярдилар сутга нон тўғраб,
Бунда калтак ейман ҳаққимни сўраб.
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Миллатчи фашистлар гоҳида санғир,
Қўлда тўқмоқ, сочи олинган, тақир,



Қўлига тушганлар аниқ ўладир.
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Онам телефонда: «Қайт!», дейди, мени,
Уяламан уйга қуруқ боргани,
Ишлаш керак совға-салом олгани.
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Уйимизда пишган ошни соғиндим,
Товонимга ботган тошни соғиндим,
Бемаҳал кўчага чиқмагин, синглим.
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Андижонда Наврўз, бунда кўча қор,
Апрель келганда ҳам келмайди баҳор,
Мен бунда бир коса сумалакка зор,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Қалдирғоч келгандир, айвонимизга,
Капалак қўнгандир райҳонимизга,
Лайлақлар тўлгандир осмонимизга,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Луччак шафтолимиз қолгандир гуллаб,
Оқ ўрик бозорга чиқса ялтиллаб,
Бобом кутётгандир мени мўлтиллаб,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Осмонларни қоплаб оппоқ булутлар,
Уйларда боқилиб оқ пилла қуртлар,
Пишиб қолгандир-а, марварид тутлар,
Қанисан, Ватаним, қанисан, Қуёш?!

Баъзида йиғлагим келади ўйлаб,
Ўзбекистонда ҳеч бўлмайдиган гап,
Ўрик олиб едим юз рубль тўлаб,
Қанисан, Ватаним, қанисан, Қуёш?!



Тарвуз егим келди бир кун бозорда,
Бир тилигин олдим фалон баҳога,
Юртимда ерларда ётар эди-я,
Қанисан, Ватаним, қанисан, Қуёш?!

Шеригим бор Саша – беларус бола,
Пойафзал сотамиз бирга бозорда,
Юртимни ҳар куни мақтайман унга:
Қанисан, Ватаним, қанисан, Қуёш?!

— Ўртоқ, агар борсанг бизнинг тўйларга,
Тўйгунча ош ейсан теппа-текинга,
Қўлингга тугиб ҳам беришар яна,
Қанисан, Ватаним, қанисан, Қуёш?!

Россия қуёши қуёшмас, юлдуз,
Шундан меваси ҳам, бемаза, бетуз.
Бу ернинг ёзидан иссиқ бизнинг куз,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Мева тўймай қолса Қуёш нурига,
Албатта, бемаза, хом бўлади-да,
Анжирларнинг додаҳўжаси бизда,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Тишласанг, биздаги сут олмаларни,
Қарсиллаб, атрофга кетар жаранги.
Таранг, ярми пушти, олтинранг ярми.
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Ҳандалак ҳидини ҳидлаганмисан?
Тебраниб, «Тановар» тинглаганмисан?
Умрингда «жизза нон» емагандирсан?
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!



Сашанинг оғзидан оқиб сувлари:
— Я тоже в Андижан хочу, — деди,
— Хўп, — дедим, — ошна, до лето потерпи.
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Ёзга чиқамизу кетамиз шартта,
Кўрасан, дадамнинг боғи бор катта,
Шафтолига тўйдираман, албатта,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Полизда қовунлар ётар юмалаб,
Жимжилоқда тоғнинг асалин ялаб,
Қаймоққа нон тўғраб ейсан, эрталаб,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Россияга келаётган бу мева
Ҳаммаси Ўзбекистонники-да,
Шунинг учун есанг, томади шира,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Биз ишкомдан узиб еймиз чилгини,
Ўриклар ерларда ётар, билдингми?
Деди: — Шундай юртни ташлаб келдингми?
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Жаннат излаб келдим, жаннатни ташлаб,
Энди ўтирибман бошимни қашлаб,
Юртимда юрардим арслонга ўхшаб,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

Фурбатда ғарибман, шодонлигим йўқ,
Билдим, тубанликда осмонлигим йўқ,
Элимсиз, юртимсиз инсонлигим йўқ,
Қанисан, Ватаним, қанисан Қуёш?!

«ДАЗМОЛ»

(Қайнонанинг ҳасрати)

Мен уйимда «дазмол»ман,
Иссиқ тураман доим.
Силлиқлаб, текислашдир,
Ҳунарим, касби-корим.

Наинки, латта-путта,
Бўзни дазмол қиламан,
Мен ўйламай айтилган,
Сўзни дазмол қиламан.

Текисладим бир умр,
Фадир-будур сўзларни,
Атлас қилиб кўрсатдим,
Гўё, читу бўзларни.

Андишасиз, ўйламай,
Қай сўз айтилса агар,
Қўрқаманки, бир қалбга
Тикан бўлиб санчилар.

Баъзан, сувдай пуркасам
Кўзимнинг ёшларини,
Эритади сўздаги
Шиша-ю тошларини.

Шу зайл ота сўзин
Ғижимин кетказаман,
Дуо гулига ўраб,
Ўғлига етказаман.



Ўғли ҳам тўнғиллайди,
Отасидан ўтган-да,
Ўткир қирра, тиканли
Сўзлар ичра ўсган-да.

Пастроқ келиб гапирса,
Бу ўғиллар ўлади!
Отасин ичи оғриб
Қолса, нима бўлади?!

Яна дазмоллаб, силаб,
Солиб тилло халтага
Боласининг сўзини
Етказаман отага.

Келиннинг ҳам баъзида
Тили «чиқиб» қолади.
Гап билан найзасини
Санчиб-санчиб олади.

Энди ўғлим ғазабдан
Тўнин кияр тескари,
Яна дазмолламасам,
Расво бўлади бари.

Келинимнинг гапини
Тўғрилайман текислаб,
Нотўғри тушундинг, деб
Ўғлимга бераман чап.

Ахир ўрталарида
Бор уч-тўртга боласи,
Не бўлса ҳам, шуларнинг
Бузилмасин ораси.



Қизим келар жақиллаб,
Келинимдан норози.
Акасини бошқатдан
Уйлаб қўйишга рози.

Вой, бу қизнинг феълени
Ўзим яхши биламан.
Дазмолим иссиғини
Саккиз юз вольт қиламан.

Юрагим счётчиги
Тезлаша бошлар хиёл.
Шу бугун ишламасанг,
Қачон ишлайсан «дазмол?!»

Қизим дер: – Уйни кўринг,
Келинингиз дангаса.
Дейман: – Сенда айб йўқми?
Топилади ковласа.

Қўй, гапирма, ғалвадан
Бўлиб кетганман безор.
Келсанг, айбин ковламай,
Ишларига қарашвор.

Дейди: – Вой, нега экан,
Мен меҳмон эмасманми?!
Шу ерда ҳам дам олмай,
Иш қилар эканманми?!

– Меҳмон бўлсанг, меҳмондай
Тўғри ўтир, эси йўқ!
Қайси меҳмон мезбонга
Ўқрайиб, қилади дўқ?!



– Ҳаммомига бир кириг,
Мана, мен ҳам келинман.
Сочиғим қийшиқ турса,
Калтак ейман эримдан.

– Унинг сочиғи билан
Нима ишинг бор, жинни!
Кўлингни ювсанг менинг
Ваннамга кирмайсанми?

– Сал тезроқ қимирласа,
Ҳар ишга улғуради.
– Ахир, ёш боласи бор.
– Биз бола туғмабмизми?

– Бу ҳам бировнинг азиз
Боласи-ку, ўйлагин.
Келсанг, тўғри келиб кет,
Жанжал қилсанг, келмагин!

Ёлғизгина қизсан-а,
Шу тезоб феълинг билан,
Биздан кейин бу уйга
Қандай қилиб келасан?!

Ҳар келганигда силтаб,
Чимириласан унга.
Хотинини ковласанг,
Ёқасанми акангга?!

Шулар билан аҳил бўл,
Дангаса бўлса бўлар.
Бошингга бир иш тушса,
Қарашадиган шулар.

Қизим кетди пўнғиллаб,
Дазмолим фойдасига.
«Қаранг, қанча касбим бор?»
Куламан дадасига.

— Дазмолчи, ҳам сувоқчи,
Адвокатман, кўрсангиз,
Анча маош олардим
Штат очиб берсангиз.





БЎЗ ТЎҚУВЧИ КАМПИР ВА БАЗЗОЗ*

Бир шайх ўтирарди ўйланиб,
Баззоз дўконининг олдида.
Келиб қолди тўқувчи кампир,
Бўз кўтариб, нозик қўлида.

Кўриб туриб, матони баззоз,
Совуқ, бефарқ бошлади сўзни:
– Текис тўқилмаган, ранги паст,
Ким оларди бунақа бўзни?!

Кампир деди: – Бир тугуни йўқ,
Нафис, кийса яйрайди одам.
Бундан келган пулга ўғлимнинг
Етимларин боқаман, болам.

Баззоз деди: – Майли, лекин, бу
Тўрт тангадан кўпга кетмайди.
Кампир деди: – Жон, болам, бу пул
Ипим билан нонга етмайди.

Бўйи ўттиз қарич, эни мўл,
Ўн танга берсангиз бўлади.
Баззоз дер: – Йигирма қарич, денг,
Ювса, киришади бу ҳали.

Кампир деди: – Ипин ювганман,
Киришмайди ҳеч қачон энди.
Баззоз деди: – Нархи, барибир
Тўрт тангадан ошмайди, бўлди!

*Баззоз – Бўз сотувчи, чиффуруш.



Ҳали ранги ўчса ҳам керак
Кампир деди: — Ўчмайди сира.
Қайнатиб олганман ипини
Ёнғоқ баргларининг сувига.

Баззоз деди: — Барибир бунга
Беролмайман тўрт тангадан кўп.
Бошин эгиб, тўқувчи кампир
Кўзида ёш билан деди: — Хўп...

Кампир кетди. Матони баззоз
Сандиғига авайлаб солди.
Уч дақиқа ўтмай, бўз учун
Қандолатчи бой кириб қолди.

Деди: — Кўйлак учун оламан,
Онамга, соз бўлсин сифати.
Баззоз сандиқ очиб, кампирдан
Сотиб олган бўзни кўрсатди.

Ва мақтади, авайлаб, силаб:
— Бозордаги энг яхши бўз бу.
Вазиримиз оналарига
Оладиган мато мана шу.

Узунлиги ўттиз беш қарич,
Зийрак одам дарров билади,
Ёзда салқин, қиш бўлса иссиқ,
Кийган одам маза қилади.

Мана, кўринг, нафис тўқилган
Орқасида йўқ бир тугуни.
Киришмайди, ранги ўчмайди,
Онангизга илиндим шуни.



Уларни эъзоз қилиш керак,
Қирқ тангага бераман, майли.
Бу ҳам ошнализимиз ҳаққи,
Сизнинг ҳурматингиз туфайли.

Бу ҳолатни кўриб турган шайх,
Деди: — Ишинг зўр-ку, баззожон.
Олган нарсанг доим нуқсонли,
Сотган нарсанг доим бенуқсон.

Мен гуноҳдан покланиш учун,
Аҳмоқ бўлиб ҳажга борибман,
Бўларкан-ку, сенинг мана шу,
Сандиғингга бир тушиб чиқсам.





ХОРИЖ ТЕЛЕКАНАЛЛАРИНИ КЎРИБ

Аё, Холиқ, қараб дунё
Томонларни томошо қил.
Гоҳи ундоқ, гоҳи бундоқ
Замонларни томошо қил.

Биров қалб каъбасин қурса,
Биров келиб қилур вайрон,
Ки аршингда туриб, яхши-
Ёмонларни томошо қил.

Йигиб ақча, кўпайтирмоқ
Учун оввора-ю сарсон,
Ҳавас, нафс кўйидаги
Турфа жонларни томошо қил.

Ота-она ҳузурида
Демоқ «уфф», жоиз эрмасдир,
На «уфф», балки, отилган ўқ,
Камонларни томошо қил.

Бирон ёт кас эмас, алдар
Қариндошни қариндоши.
Кўриб хешдан зулм, ранги
Сомонларни томошо қил.

«Чиройли жой кўринсин-да»,
Дея шайтон қизиқтирса,
Очиб сон, кўкрагин юрган
Жувонларни томошо қил.



Очиб кўрсатмаган элга
Фақат «битта жойи» қолди.
Очар бир кун уни ҳам, деб:
«Бу ёнларни томошо қил».

Бўлиб хуштору ошиқ
Эрга эр, хотинга хотинлар.
«Никоҳ!» деб солган ул шовқин
Суронларни томошо қил.

Қай ул султон бу бадбахтлар
Никоҳига изн бермиш.
Бузуқ, нодон, иймонсиз шоҳ,
Аёнларни томошо қил.

Улар ўлмасмиларки, зўр,
Азобни ўйламас, ўлса,
Тайёрлаб найзасин турган
Чаёнларни томошо қил.

Бу дунёда суриб айш
Юрса шердай, куни маҳшарда
Аланглаб, дўзах олдида
Қуёнларни томошо қил.

Бу шарманда қавм касри,
Уриб юрт узра тарқалган.
Фалокат, ёнғину тошқин,
Бўронларни томошо қил.

Шукурки, бизнинг элни, Сен
Ўзинг, исломобод қилдинг.
Китоб бирлан тўлуғ раста,
Жавонларни томошо қил.





Ўзингга ҳамд, бу дунёда,
 Турондек жаннатий юрт йўқ.
 Узум, анжиру ширмой,
 Кулча нонларни томошо қил.

Улус иймонда. Андиша,
 Ҳаё бирлан тўлуғ уйлар,
 Аҳил, одобли фарзанд
 Безиёнларни томошо қил.

Жаҳолат ичра қолган
 Дунёга илм фонусин тутган,
 Етишган ҳазрату шайхлар,
 Эшонларни томошо қил.

Аё, Роббий, Ўзинг шоҳид,
 Навоий юртидир бу юрт.
 Ва ишқингда ёзилган байт,
 Баёнларни томошо қил.

Худоё, раҳматинг шу эл
 Бошидан ёғдириб тургил.
 Ва васлинг деб, кўзидин ёш
 Равонларни томошо қил.

Бу чет томошасин, эй, Мархабо,
 Кўрсанг, кўзингни юв.
 Қилиб тавба, гўзал турку
 Туронларни томошо қил.



ЗОҲИД ВА ҚАЙИҚ

(Ривоят)

Битта зоҳид — художўй киши,
Ибодатда экан туну кун.
Дарё суви тошиб ногаҳон,
Эгаллабди водийни бутун.

Бир қайиқда келиб одамлар,
Қутқармоқчи бўлишса уни,
Пинагини бузмай айтибди:
«Аллоҳ ўзи қутқарар мени».

Сув белига етгач, қайиқда
Келиб, дебдилар: — Чиқинг энди.
Зоҳид дебди: — Кетаверинглар,
Аллоҳ ўзи қутқарар мени.

Учинчи бор келибди қайиқ,
Бўғзига етганида сув.
Яна: «Аллоҳ қутқаради», деб
Ўз жойидан силжимабди у.

Зоҳид чўкиб кетиб, Аллоҳнинг
Хузурида бўлибди пайдо.
Ва айтибди: — Бир умр сенга
Ибодатда яшадим, Худо.

Ва ўзингга таваккал қилдим
Нега қутқармадинг ўшанда?
Аллоҳ шундай жавоб қилибди:
— Нега тушунмайсан эй, банда?



Сувга чўкиб ўлмоғинг, демак,
Пешонангда ёзилган тақдир.
Сенга уч бор қайиқ жўнатдим,
Нега ўзинг чиқмадинг ахир?

НАСИҲАТ

Дунё истасангиз, тижорат қилинг.
Охираг десангиз, ибодат қилинг,
Агар иккисин ҳам истар бўлсанглар,
Илм ўрганинглар.





ҲАЗРАТ УМАР ВА ЎҒРИ

Умарнинг ҳузурига
Ўғрини келтирдилар.
«Кўли кесилсин!», дея
Ҳукм чиқарди Умар.

Ўғри деди: — Ё, Умар!
Ҳамма иш Аллоҳданми?
Сизни халифа қилган
Аллоҳ ўзи эмасми?

Умар дедилар: — Ҳар иш
Аллоҳдан, тўғри айтдинг.
Ўғри деди: — Бўлмаса,
Ҳукмни ҳам тўхтатинг.

Ахир, менга нисбатан,
Ҳақсизлик эмасми бу?
Мени ўғри қилган ҳам
Аллоҳнинг тақдири-ку.

Умар дедилар: — Тўғри!
Сенинг ҳам эй, бетамиз,
Аллоҳ тақдири билан
Қўлларингни кесамиз.





ЁМФИР

(Ривоят)

Мусо алайҳиссалом,
Ўзининг қавми билан.
Тоққа чиқдилар, ёмфир
Сўрагани Роббидан.

Уч юзми, тўрт юз одам
Йиғлаб қилди муножот,
Аммо Худо негадир
Кўрсатмади иноят.

Бир неча кун у ерда
Нидолар этди давом,
Ёмфирдан-чи хабар йўқ,
Ҳайратда эди авом.

Аввал бир не сўралса,
Робби дарров берарди,
Ҳайрон эди Мусо ҳам,
Бу сафар нима бўлди?

Кўринмайди бир булут,
Билишолмас сабабин.
Ноилож, уй-уйига
Қавм тарқалди секин.

Уч кундан сўнг, шу ерга
Ёлғиз келдилар Мусо.
Сўради: — Нега бизга
Ёмфир бермайсан, Худо?



Овоз келди: — Қавмингда
Бор бир чақимчи киши.
Парчаланишдир унинг
Қилаётган бу иши.

То, у чақимчилигин
Ташламасдан юради,
Бутун қавминг дуоси
Қабул бўлмай туради.

Мусо деди: — Эй, Роббим,
Мен билай кимлигини.
Секин менинг ўзимга
Айтгин унинг исмини.

Жавоб келди: — Сўрама,
Феълимга ёт нарсани.
Кимлигин айтиб, Ўзим
Чақимчилик қилайми?



ЎЗБЕККА ТҮЙ ЯРАШАР

Айланайин, Ватаним,
 Бўлсанг дунё жаннати.
 Турфа элатлар ичра
 Гўзал урфи, одати.
 Кўзлаганинг ҳар икки
 Дунёнинг саодати
 Кимлар бойлик жинниси,
 Кимлар ерни талашар,
 Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
 Ўзбекка тўй ярашар.

Чақалоқ қулогига
 Чақирилади азон,
 Суннатга ётса бола,
 Ёзилади дастурхон.
 Чилдирмалар зарбидан
 Жаранглаб кетар жаҳон.
 Кимлар бойлик жинниси,
 Кимлар ерни талашар,
 Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
 Ўзбекка тўй ярашар.

Мўйлови чиқса бўлди,
 Уйлайди боласини.
 Меҳмон чақирар санаб,
 Сочининг толасини,
 Уч кун олдин чақирар,
 Амма-ю холасини.
 Кимлар бойлик жинниси,
 Кимлар ерни талашар,
 Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
 Ўзбекка тўй ярашар.



Таъзим, саломлар билан
Кириб келар келинлар.
Ерга қараб, ўзини
Билиб келар келинлар.
Отасин бор молини
Шилиб келар келинлар.
Кимлар бойлик жинниси,
Кимлар ерни талашар,
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўзбекка тўй ярашар.

Тўй-ю меҳмон баҳона,
Обод бўлар ҳовлилар,
Безатилар айвон-у,
Нақши нигор сўрилар.
Кўтарилиб томлари,
Оқланади мўрилар.
Кимлар бойлик жинниси,
Кимлар ерни талашар,
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўзбекка тўй ярашар.

Янги уйлар битади
Эшик, девор бўялиб,
Белгиланар тўй куни
Дарахт, гуллар буталиб.
Энг аввал маслаҳатга
Чоллар кирар йўталиб.
Кимлар бойлик жинниси,
Кимлар ерни талашар.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўзбекка тўй ярашар.



Яна қайси элда бор,
Карнайларнинг гат-гати?
Ошга чорлар наҳорда,
Ноғоралар пат-пати.
Фаранг, инглизнинг ҳам,
Завққа тўлар дил қати.
Кимлар бойлик жинниси,
Кимлар ерни талашар.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўзбекка тўй ярашар!

Уйларнинг тўрисида
Қудаларга жой қилинг.
Кўлга қанд бериб, кутиб,
Чехрангизни ой қилинг.
Ширгуручни тортишдан
Аввал ширин чой қилинг.
Кимлар бойлик жинниси,
Кимлар ерни талашар.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўзбекка тўй ярашар.

Азон овози янгра
Мачит, мезаналарда.
Юрту эътиқод рамзи
Фалак, сўзаналарда.
Мадҳи Марҳабо ёзган
Шеър афсоналарда.
Кимлар бойлик жинниси,
Кимлар ерни талашар.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўзбекка тўй ярашар.



ЧИВИН ҲАҚИДА

(Отинбимнинг шеъри)

Чивин чақди, бир урдим,
Бир урдиму ўлдирдим.
Соатимга қарасам,
Бўлган экан тонг вақтим.

Ҳеч иш беҳикмат эмас,
Ҳамд бўлсин буюк Зотга.
Уни атай юборган,
Уйғотгани бомдодга.

Вой, айланай, чивинжон,
Мени кечир, асалим.
Чақмасанг, ухлаб қолиб,
Ҳалокатга учрардим.

Жасадингни соламан,
Буклаб оқ қоғозчани.
Китобимнинг ичига
Дафн қиламан сени.

Ва ёзаман: «Бу ерда
Ётган зот валийлардан.
Бу зот мени бир саҳар
Ҳалокатдан қутқарган».



ЁЛҒОНЧИ

– Мўъмин киши қўрқоқ бўлмоғи
Мумкинмидир, ё Расулиллоҳ?
Жавоб бердиларки: – Мумкиндир.
– Мўъмин киши хасис бўлмоғи
Мумкинмидир, ё Расулиллоҳ?
Жавоб бердиларки: – Мумкиндир.
– Мўъминнинг ёлғончи бўлмоғи
Ё, Расулиллоҳ, мумкинмидир?
Дедиларки: – Мумкин эмасдир.
Эй, биродар, ҳикматга қара.
Хаёлингда турсин ҳар нафас,
Расул деганларки: «Ёлғончи,
Каззоб менинг умматим эмас».





ТАБИБ ОНА ВА ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО

Румдан Туркиядан келиб ўқирди
Нажмиддин Кубронинг бир талабаси.
Илм ўргатмадилар икки йил унга,
Бир табиба аёл эди онаси.

У бола супириб-сидирар эди,
Дастурхон соларди, йиғарди яна.
Таҳоратхонани тозалаб туриб,
Ўйлади: «Қачон дарс берилар менга?»

Бир кун онасига юбориб мактуб,
Илмсиз юрганин хабарин берди.
Мактубни ўқиган табиб онадан
Нажмиддин Куброга бир мактуб келди:

«Илм ололмабди икки йил болам,
Қора ишлар қилиб умр ўтказибди.
Болам илм олса-ю қора ишларга,
Юборсам дегандим битта гуломни.

Жавоб ёздилар Шайх Нажмиддин Кубро:
«Эй, она, сен ўзинг табиб экансан,
Болангни ишлатган бўлсам, гўёки,
Кибрин ўлдиришга «дори» беряпман.

Сен гулом юборсанг унинг ишига,
Қандай бўлар экан, ўйла танангга.
Менинг у гуломга «ичирган» дорим
Шифо қилармикин сенинг болангга?»



АЛПОМИШ

«Алпомиш туғиб бер, келинжон»
(Кўшиқдан)

«Алпомиш туғиб бер», деб
Шоир қилар илтимос.
Шу замон келинлари
Чиқиб қолди пўқолос¹.

Дедим, бир элу юртнинг
Олқишини олайн,
Шу Алпомиш ботирни
Ўзим туға қолайин.

Бузилган бу дунёни
Ўнгласин, деб қилдим қасд.
Шу боламдан бир улуғ
Олим чиқса ажабмас.

Тўққиз ой, тўққиз кунда
Худо берди бир ўғлон.
Алпомиш, деб от қўйдим
Бўлсин дея паҳлавон.

Туғилди, Алпомишнинг
Киндигини кесишди
У шарт туриб доянинг
Телефонига ёпишди.

На салом бор, на алик,
Қандай бола туғдим, вой!
Телефонни билипти
Ноёб талант хойнахой.

* Пўқолос — шевада дангаса.



Бу қутини онам деб
Ўйлаган бўлса керак.
Ҳар куни шундан унга
Эшиттирдим эртақ.

У «тинг-тинг» қилиб, шошиб
Рақамларни босди тез.
Бирон чақалоқ қизга
Юбордиёв эсемес.

Ҳамма лол чақалоқнинг
Қилаётган ишидан.
Фаррош кампир йиқилиб,
Кетиб қолди ҳушидан.

Олдин «ингга-ингга» деб
Чақалоқлар йиғларди.
Бу Алпомишим фақат
«Алло-алло» деяпти.

Тили чиқди. Илк сўзи
Бўлди «Юсел», «Билайн».
Бувиси ҳайрон, дейди:
— Бу не гап, вой, ўлайн!

«Аллоҳ», деб чиқмасмиди
Ахир гўдакнинг тили?!
Буни она қорнида
Жин-пин урган, шекилли.

Шишадан эмиздингиз
Қайнатиб «Нестле» сугни.
«Онам» демаса бўлди,
Эртага шу шишани.

Аллани ҳам ҳойнаҳой
Телефондан эшитар.
Дейишарди бу ўлгур,
Болага кони зарар.

Хуллас, Алпомиш ўсди
Мана ўтди бир ёшдан
Нимагадир телефон
Талашгани талашган.

Қулоғига тутволиб,
Гапиради балодек.
Олти ёшга етмасдан
Олиб бериб қутилдик.

Саккиз ёшга тўлганда
Бердик спорт мактабга.
От мин, камон от десам,
Асло кирмади гапга.

Қулоғида телефон,
Ўқимайди бир китоб.
Агар уни изласанг,
Интернет кафедан топ.

Писмайиб қизлар билан
Хат ёзишиб ўлади.
Қачон бу эл корига
Ярайдиган бўлади.

Ётса, турса, ўтирса
Қулоғидан тушмас у,
Бу боланинг дўсти ҳам
Душмани ҳам мана шу.



Қизиқтирмас ҳеч нарса,
Биз билан гаплашмайди.
Худди бошқа дунёнинг
Боласига ўхшайди.

Дейман: «Кўзингга қара,
Ўзбекмисан, ҳай бола?
Нима қилиб беради,
«Одноклассник» сенга?

Интернетдан мақсадинг
Нима ўзи, билиб ол.
Бир гўрга адаштириб
Обкетмасин бу дажжол.

Қасб-ҳунар ўрган, десак
Ўқишдан қочар яна.
Ҳозир у бозорчада
Судрайди арава.

Қулоғида телефон
Югуради, чопади.
Ҳали бу келинни ҳам
Интернетдан топади.

Ҳа, ҳа, топади ўзи
Олтинларнинг мисини
Ўзига ўхшаган бир
Интернет жиннисини.

Қайнонам дер: — Нимага
Бошқоронғи бўлгансиз?
Дейман: — Туролмас эдим
Бирон соат телефонсиз.



– Вой дод! – дейди бувиси
 Ҳамма айб ўзингизда.
 Яхши, тўртбурчак бўлиб
 Туғилмабди бу бола.

Эссизгина Алпомиш
 Қандай одам бўлар бу?!
 Она қорнида туриб
 Нурланиб бўлибди-ку!

Дейман: – Мени қўрқитманг
 Соғлиги жуда яхши.
 Ўқишларни битирсин,
 Олим бўлар, бувиси.

Бу ҳам Навоий, Машраб
 Боболарин зурриёди.
 Улар шамда илм ўқиб,
 Забт этганлар дунёни.

– Улар шамда илм ўқиб,
 Забт этсалар дунёни.
 Электр замонида
 Дунё сизни забт этди.

Нок тагига ҳеч қачон
 Тушган эмас шафтоли.
 Алпомиш бўладиган
 Бола туғиш осонми?

Латта йиғиш, тўй-йиғин,
 Ясан-тусан ишингиз.
 Бозорчи бўлди-қолди
 Туққан Алпомишингиз.



Доно бола туғишни
Орзу ҳам қиладилар.
Олимларни илмли
Оналар туғадилар.

– Тўғри, беҳуда юрмай
Китоб ўқиганимда.
Улуғбек каби олим,
Бўлар эди шу бола.

Нодонлигим боламнинг
Бўлди бахтин зомини.
Эссизгина Алпомиш,
Оқламади номини.

Хуллас, бола исмини
Расул қўйсанг ҳам агар,
Тақдирида бўлмаса,
Чиқмас экан пайғамбар.

Соғ, доно бўлиш учун,
Ҳар миллатнинг зурриёди.
Соғ, доно бўлсин аввал
Шу миллатнинг аёли.



ЁМОНГА СУКУТ

Бир улуғ — улуғ саҳоба катта даврада,
Расулиллоҳ билан ўтирар эди.
Бир безори келиб, у саҳобани
Ёмон сўзлар билан ҳақорат қилди.

У саҳоба сукут қилиб турдилар,
Роса у безори сўкди, бўралаб.
Анча давом этган ушбу ҳолатга,
Расулиллоҳ кулиб турдилар қараб.

Сўнг саҳобанинг ҳам ғазаби келиб,
Безорига жавоб қила бошлади.
Шунда Расулиллоҳ ўрнидан туриб,
Шошилиб, бу ердан кетдилар нари.

У саҳоба ранжиб Расулиллоҳдан
Деди: — Нима учун бундай қилдингиз?
У мени сўкканда, кулиб ўтириб,
Мен жавоб қайтарсам, кетиб қолдингиз?

Дедилар: — Сен унга сукут қилганда,
Бир фаришта сенинг ёнингга келиб,
Сўкаётган эди сен учун уни,
Шунга завқим келиб, тургандим кулиб.

Ҳақоратга сукут қилишдан тўхтаб,
Сен сўкишга оғиз очган чоғингда.
У фаришта учиб кетиб, шу замон,
Шайтон келиб олди сенинг ёнингга.

Гоҳ у ёндан келиб, гоҳ бу ёнингдан,
Жанжалга гиж-гижлар эди у сени.
Бу ҳолни кўрдиму, мен нари кетдим,
Шайтоннинг ёнида тургим келмади.



ЎЗИМ КИМ-У...

Бир қиз деди: – Ўхшатыпман, аяжон,
Исмингиз ким? Жавоб бердим ўшал он:
– Лойдан бўлган бир одамман, болажон,
Ўзим киму, отим нима бўларди?

Куфри исён билан тўлган қалбим бор,
На жон шукри ва на ғамга сабрим бор.
На ўғлимга, на қизимга қадрим бор,
Ўзим ким-у, отим нима бўларди.

Бир бурда нон билан тўйиб қоламан,
Бир мушт туширсалар ўлиб қоламан.
Бир ёмон гап билан сўлиб қоламан,
Ўзим ким-у, отим нима бўларди.

Ҳали ҳам қадрим бор, чунки чолим бор,
Чой дамлаб, уй супиришга ҳолим бор.
Ётиб қолсам нетаман, деб ақлим лол,
Ўзим ким-у, отим нима бўларди.

Бир нодонман, ўз қадрига етмаган,
Туққан боласига гапи ўтмаган.
Келинимга сур меҳмонман, кетмаган,
Ўзим ким-у, отим нима бўларди.

Куйдираман, гоҳида «ўляпман», деб,
«Вой, ана, Азроилни кўряпман», деб.
Тириламам шашликми, чучвара еб,
Ўзим ким-у, отим нима бўларди.

Гоҳ ўғил, гоҳ келинлардан нолийман,
 Ўзим бир кўрпа кўтарсам ҳорийман.
 Чол қалтисроқ ҳазил қилса оғрийман,
 Ўзим ким-у, отим нима бўларди.

Қуриганман юз йиллик гулдастадек,
 Хорман чақиб, тупирилган пистадек.
 Гоҳо истаракман, гоҳо пистарак,
 Ўзим ким-у, отим нима бўларди.

Умр гули сўлди, тўкилиш қолди,
 Ёғоч от йўлига тикилиш қолди,
 Данак бўлиб, ерга экилиш қолди,
 Ўзим ким-у, отим нима бўларди.

Билмай қолдим, баҳо қимматим қанча,
 Исмим унутганимга бўлди анча.
 Ким «она» дер, ким «хола» дер, ким «ача»,
 Ўзим ким-у, отим нима бўларди.

Кунингдан бир кунинг қолса, илм ол,
 Пулингдан бир пулинг қолса, илм ол.
 Шу ҳикмат-ла исмим топсам эҳтимол,
 Ўзим ким-у, отим нима бўларди.





ОЁФИ ЙЎҚ КЕЛИНИМ

Олтмиш ёшда кенг уйнинг
Келини бўлдим ўзим.
Ҳовлини супирётсам,
Кириб қолдилар қўшним.

Деди: — «Келинлар қани?
Унга тегишиб дедим:
— Уй-уйларига ҳайдаб,
Янги келин туширдим.

Қўшним деди: — Ё, тавба!
Ҳазиллашманг, ўргилай.
— Нега ҳазиллашаман,
Тўйиб кетдим, не қилай?!

Қўйлуқлик келинимга,
Қўйлуқдан уй қиб бердим,
Чорсулик келинимга
Чорсудан уй қиб бердим.

Икки кунда соғиниб,
Қолишарди онасин,
Яқин бўлсин, ичикиб,
Ўлиб-нетиб қолмасин.

Келинлар ўртасида
Қози бўлиб ўлардим.
Яна озгина турсам,
Юрак касал бўлардим.



Юрардим иккаловин
 Қош-қовоғига қараб,
 Айланай, ўргилай, деб,
 Ишга солардим алдаб!

Содда кўшним дер: — Унда,
 Янги келинлар қани?
 — Кичиги уй тозалаб,
 Каттаси кир ювяпти.

Кичиги кўл-оёқли,
 Чанг-ғуборим қолмади.
 Тўрт уйни тозалаб ҳам,
 Қовоғини солмади.

Кир ювяпти каттаси,
 Оёғи йўқ келиним,
 Қоши, кўзи, лабида
 Бўёғи йўқ келиним.

Ички кийимларимни,
 Ювдираман бемалол,
 Бировга айтса-чи, деб,
 Бўлмам хижолат, ўсал.

Ўзи сувин қайнатиб,
 Ювиб, чайиб толмайди,
 Тили йўқ, қайнонасин,
 Гийбат қила олмайди.

Кири бир гарам қилиб,
 Тўплаб қўймайди жомга.
 Сочларининг қилини
 Ташлаб чиқмас ҳаммомга.



Зарда қилиб, эрига
Олайгувчи кўзи йўқ.
Қайнонани йиглатар,
Заҳар-заққум сўзи йўқ.

Ишингни қияпман, деб
Менга қовоқ солмайди.
Ит феъли келиб қолса,
Тишлаб-тишлаб олмайди.

Иккала овсин иноқ,
Камчиқимлиги зўр-да.
Бошқоронғу бўлишар,
Бири чанг, бири кирга.

— Бу келинлар қаерда
Турган экан? — дер кўшним.
— Чорсудаги «Келинлар
Дўкони»дан обкелдим.

Юринг, кўринг, финг демай,
Бажаришар ишини,
Ҳаммомга олиб кириб,
Таништирдим кўшнимни:

— Бу кирмошин «Элжихон»,
Катта келин ўрнида,
Оёғи йўқ, тили йўқ,
Кир ювади қорнида.

Бу чангютгич «Самсунгой»,
Кичик келин — супургим.
Шу десангиз бу «қиз»ни
Кореядан туширдим.



Буларнинг тугмасини
 Боссам, тамом, иш битар.
 «Элжихоним» кир ювиб,
 «Самсунгхоним» чанг ютар.

Менинг хизматимни қил,
 Деб эри бақирмайди.
 Менга қаранг, деб, инжиқ
 Боласи чақирмайди.

Фақат бир ўзимники,
 Қўйган жойда туради.
 Мен тўхтатганда, тўхтаб,
 Мен юргизсам, юради.

Олиб келдим таксида
 Ёр-ёру ўлан айтиб,
 Отасининг уйига
 Ҳаётда бормас қайтиб.

Дедим: — Шу келинлардан
 Олинг сиз ҳам, илтимос.
 Биттагина айби бор, —
 Бола туғмайди, холос.

Яна уч-тўрт ками бор,
 Тузатса бўлар фақат.
 Ота уй — заводига
 Юбордим бир таклиф хат:

«Ассалому алайкум,
 Қудажонлар, айланай,
 «Элжихон» қизингизни
 Қабул қилдим қизимдай.



Бир-икки нуқсони бор,
Тўғриласа бўлади.
Ўзбек қайноналарин
Шунда кўнгли тўлади.

«Ассалому алайкум!»,
Десин мени кўрган он.
Тугмасин боссам, десин:
«Хўп бўлади, ойижон».

Салом бермаган келин
Ахир келин эмас-да.
Ярашарми иш айтсанг,
«Хўп бўлади», демаса?!»

Кўпроқ сўрасангиз ҳам
Майли қалин пулини.
Ҳар гал «бисмиллоҳ» айтиб,
Уч бор чайсин кирини.

Билмадим қандай экан,
Урфу одат сизларда?
«Бисмиллоҳ» сиз ҳеч нарса
Ҳалол бўлмас бизларда.

Бўлсин ўзбеги корейс,
Қардошлиги бардавом,
Марҳабохон қудадан
Сизларга катта салом».

Не гаплигин тушуниб,
Қўшним кулдилар роса.
У ҳам уч келин билан,
Қилар эди муроса.



Қўшним деди: — Бошингиз
Оғриси, ким ушларкан?
Дедим: — Бошим оғриғи
Мана шу келинлардан.

Оғритган ўзлари-ку,
Ушлаган ҳам ўзлари.
Эрин хизматин қилиб,
Қўша қарисин бари.

Келинларга озодлик!
Тинчлик чолу кампирга!
Қўшним секин ёрилди:
— Мен ҳам чарчадим жуда.

Ўғилларга уй олиб,
Бир-бир чиқарвораман.
Туғмаса ҳам мана шу,
Келинлардан оламан.

Дедим қиқирлаб: — Бўлди,
Нафақани оламиз,
Чорсудаги дўконга
«Совчиликка» борамиз.





БОЗОРГА БОРАМИЗ

Аёлнинг оёғи юрса бўлгани,
Қўлда уч-тўрт танга турса бўлгани,
Айлангани, уни-буни кўргани
Бозорга борамиз.

Биримиз қимтиниб, биров жақиллаб,
Биримиз имиллаб, биров чопқиллаб,
Саксонга кирсак ҳам, баъзан инқиллаб,
Бозорга борамиз.

Зўридан олайлик кафанимизни,
Боғлаб олиб оғриган тиззамизни,
Қазо қилсак ҳамки намозимизни
Бозорга борамиз.

Тўй қилар бўлсак-ку беради Худо,
Сепга солиш керак «Памперс»гача то,
Ками битмай, саҳар тўй куни ҳатто,
Бозорга борамиз.

Қўшним дейди: «Мунча ўқийсиз, туринг,
Ғазални эртага тўқийсиз, туринг,
Янги кўйлак кебди, оламиз, юринг,
Бозорга борамиз».

Биримиз сотамиз, биримиз олиб,
Баъзида биз алдаб, баъзан алданиб,
Ҳо-ю ҳавас шайтонига бойланиб,
Бозорга борамиз.



Ҳазил-тайпа қилиб эркагу аёл,
Аския, сўз ўйин қилиб бемалол,
Фарқламай на ҳаром, нимадир ҳалол,
Бозорга борамиз.

Аёлнинг гап-сўзга қолиши осон,
Покликни ўйлайлик чиққанда ҳам жон.
Ҳаё-ю андиша билан биз қачон
Бозорга борамиз?

Сотарда айланиб, ўргилиб, ўпиб,
Қайтариб оларда силталаб, сўкиб.
Аёл деган номнинг оҳорин тўкиб,
Бозорга борамиз.

Соатлаб айланиб, растама раста,
Дафта-дафта пулни сарфлаб бир пасда,
Ўлсак, балки тушганда ҳам жаннатда
Бозорга борамиз.

Жаннатда рўзгорлар бут, жаннатона,
Ош-овқат, кийим-бош тайёр, шоҳона,
Биз унда нимани қилиб баҳона
Бозорга борамиз.

Эрни алдаб-сулдаб, ўпиб кўлини,
Юз баҳона билан олиб пулини
Тўзғитиб, сўлдириб, иймон гулини
Бозорга борамиз.

Эркак олиб келса бирон бир нарса,
Айблаймиз: «Бозорни билмайсиз» дея.
Жаҳли чиқиб энди: «Ўзинг бор» деса,
Бозорга борамиз.

Ундан кўра десак: «Раҳмат, азизим,
Мен сиздай яхшисин ололмас эдим,
Бекорга, сиз харид қилинг», демадим
Бозорга борамиз.

«Буни қаранг оддий пиёз, картошка,
Шунчалар бежирим бўладими-а?!
Шунда эркак хурсанд бўлиб, дер: «Яна
Бозорга борамиз».

Маърифат шундайин ўсса, албатта,
Аёллар рўзғор деб, кўтармас халта,
Фақат упа-элик сотиб олишга
Бозорга борамиз.



«РАП-РАП»

— Велосипед мингим келмайди,
 Пулим оз, «Ласетти» бермайди.
 Дедим: — Дадажониси, майли,
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Дедилар: «Қарз бериб фоизга,
 Қўшним Ботирдай бойийми-а?»
 Қўрқиб кетдим: — Йўқ, йўқ! Қўйинг-а!
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Судхўрликдан бой бўлиб асли,
 Ҳайдагандан кўра «Ласетти»,
 Эшак минган яхши эмасми?
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Ҳадис бор: «Кенг уй, солиҳ қўшни,
 Ва яхши бир маркаб (улови).
 Мўъмин кишининг саодати,
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

— Жаннатгача, шунча пул туриб,
 Ўтаманми пиёда юриб?
 Ботир юрибди қандин уриб,
 — Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Подшо Сулаймон Пайғамбар,
 Ҳудудин сайр этсалар агар,
 Шу уловга минар эканлар,
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.



– «Ласетти»дан зўрмиди унинг?
Кўриб келгандайсан-а, ўзинг,
Йўқ уловни мунча мақтадинг?
– Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Хаёлимда кўриб турибман,
Харидори бўлиб турибман,
Иншооллоҳ, билиб турибман,
Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Жуда гўзал бўлиши аниқ,
Чунки жаннатда ранг йўқ-сўниқ.
Кумушсимон, мовийранг тиниқ
Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Пул йиғмайсиз сотиб олишга,
Ҳожат йўқ таъмирга боришга,
ГАИчилар тегмайди ғашга,
Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Бу уловнинг поршини синмас,
Амортизатори ейилмас,
Ҳалолу пок яшасангиз, бас,
Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Қидирмайсиз эҳтиёт қисм,
Созламайсиз бензонасосин,
Ботир дўзахда қуйиб ўлсин,
Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

«Права»га ўқиш шарт эмас,
Мисол-шаблон ечиш шарт эмас,
Дўстларингиз қилади ҳавас,
Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.



Сасимайсиз ёқилғи қуйиб,
 Ҳўл бўлмайсиз чангини ювиб,
 Бир ерини олмайсиз уриб,
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Аллоҳ чегарасини босиб,
 Судхўр деган лаънатга қолиб,
 Нима керак, «Ласетти» олиб?!

Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Гиж-гижляпти шайтон сизни,
 Ҳаром пулга олиб уловни,
 Охиратни куйдирасизми?
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Аллоҳ судхўрлик фойдасини
 Ваъдаси бор, кетказар Ўзи,
 Гуноҳкор бўлгани қолади,
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Кимки еса ҳаром луқмадан,
 Унда дўзах ҳаққи бўларкан.
 Топган нонингизни емайман,
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Пул йиғамиз ҳалол касб билан,
 Сабр билан, тоза нафс билан,
 Бир «Ласетти» айлансин сиздан,
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.

Ботирингиз агар тўй қилса,
 Кўрасиз, кирмайди маҳалла,
 Бой бўлса бой бўлиб ўлсин-а!
 Сиз жаннатда «Рап-рап» минасиз.



ҲАЙ-ҲАЙ, УЯТ!

Ҳай-ҳай, ўлан, жон ўлан,
Келин келди, йўлни оч,
Не кўз билан кўрайки,
Келин ярим яланғоч.

Шарқнинг қизи бўлганда,
Бўлиб шарму ҳаёси,
Бунчалар очиқ-сочиқ,
Бўлмас эди либоси.

— Келин қайдан? — сўрадим
Битта келинойидан,
Кесатди: — Шу қишлоқнинг
«Париж» деган жойидан.

— Ё, тавба! Ўзимизнинг
Қизимизми бу ҳали?
Отабеклар, Кумушлар
Кийган либослар қани?

Кўйлаги узуқ-юлуқ,
Елкалари яп-яланг,
Вой ўлай! Қўлтиқлари
Кўриняпти-ку, қаранг.

Аёл киши бўлсам ҳам,
Жунжукиб кетди этим,
Кўкрак ярим очилиб,
Бўб турибди бир ютум.



Бу либосда қизларни,
Кўргандим киноларда,
Бўлар эди ғарбдаги
Кўнгилочар жойларда.

Ёзиларди у жойлар
Эшигига ҳаммасин:
«Ўн олтига тўлмаган
Болакайлар кирмасин».

Ёпиққина турмасми,
Ахир, бундай нозик жой?
Ҳамма кўрди, куёвга
Нима қолди энди, вой?!

Йиртилиб кетганмикан,
Ёки очган жўрттага?
Қайнотаси уялиб,
Чиқиб кетди кўчага.

Ўглин сўкар ичида,
Қандай бўғилмай турсин:
«Уни — у, буни — бу, деб
Топган хотининг курсин!

Баданига қарасам,
Ориятдан қақшайман,
Хотинлар ҳаммомида
Ўтирганга ўхшайман».

Қайнона: «Елкасини
Ёпинг!», деб имляяпти,
Янга дер: «Ёпай десам,
Келин унамаяпти».



Қайнонаси дарғазаб,
Ичида дер: «Тўй ўтсин,
Қунингни кўрсатаман,
Қиз бўлмай бетинг қурсин!»

Рўмолин учи билан,
Бекитволиб оғзини,
Кампиршолар уялиб
Четга олар ўзини.

Намойишга очилган,
Бўйин, қўлтиқ, яноқлар,
Кўзи билан «еб қўйсам»,
Деб турибди бўйдоқлар.

Қандай чидаб турибди,
Куёв мунчалар ройиш,
Келиннинг зийнатларин
Қилиб қўйиб намойиш?

Куёвга қарадиму,
Орим келиб, бўлдим лол.
Ўтирибдилар «окам»
Тиржайволиб, бемалол.

Вой, уятсиз, вой, беор!
Ҳайратда элу улус.
Акаси туртиб кетар:
«Эркак бўлмай ўл, даюс!»

Куёв дер: — Нима бўлди?
Опаси дер: — Ўл бўлди!
Бу ҳай-ҳай, ўлан эмас,
Ҳай-ҳай, уят, тўй бўлди.



Шом бўлди, тугади тўй,
Карнайнинг ўчди уни,
Тамом бўлди, минг шукур,
«Очиқ елкалар куни».

Иншооллоҳ, тўй қилай
Қизим Осиёхонга,
Шарқона тўйлибослар
Чиққанида дўконга.





ОҚИБАТЛИ ҚУДАЛАР

Боши қоронғу бўлиб,
Қизим келди уйимга.
Дорилар рўйхатини
Берди кулиб қўлимга.

Деди: «Тўртта доримни
Қайнонам олиб берди.
Сиз олиб бераркансиз,
Қолган иккитасини.

Дориларнинг барини
Бўлмас экан ичмасам,
Иккитасин қайнонам
Топмабдилар ҳеч ердан».

Дадаси дориларни
Олиб келдилар бориб.
Бир жилмайиб қўйдилар,
Қўлимга бера туриб.

Секин дедим: «Нимага
Кулаяпсиз, дадаси?»
Дедилар: «Бу қудангнинг
Калласи зўр, онаси.

Улар олган тўрт дори,
Ўттиз минг турар экан,
Мен олган иккитасин
Ҳар битгаси қирқ мингдан.

Кўрдингми, пишиқ қуданг
Дорихонага борган,
Баҳосини кўргану
«Тополмай» қўя қолган».



Дедим: «Вой-вой, қизингиз
Эшитмасин, дадаси.
Беморга яхшилик ҳам
Хайру эҳсон-ку, асли.

Яхшилик қилган бўлсак,
Ўзимизнинг боламиз.
Савобини, албатта,
Охиратда оламиз.

Уларга ўтгиз минглик,
Бизга саксон минглиги,
Аллоҳ ўзидан кўшиб,
Кўпайтиради ҳали.

Саксон минглик савобни
Аллоҳим мумсик эмас,
Саксон милярдлик қилиб,
Қайтарса ҳам ажабмас.

Бизнинг савобни кўриб,
Ўшанда куйиб улар:
«Қимматини биз олсак
Бўлар экан», дейдилар.

Дадаси телефоннинг,
Гўшагини кўтариб,
Гап бошладилар мамнун,
Салобат-ла йўталиб.

«Ассалому алайкум,
Раҳмат, сизга қудалар.
Дориларнинг қимматин
Бизга қолдирибсизлар».



Дедим: — Вой, ўлдирасиз!
Шунақаям дейдими?
Бу қудалар ичида
Гапирадиган гапми?

Дадаси деди: — Ҳазил,
Қилганим йўқ кўнғироқ.
Дедим: — Ҳозир юрагим
Бўлиб қоларди чатоқ.

Дадаси деди: — Майли,
Раҳмат ўша қудангга.
Савобнинг кўпроғини
Улар олсин, деган-да.

Шунда тўғри ўйлаган
Бўламанми, онаси?
Демак, бизга дўст экан
Қизингнинг қайнонаси.

Ҳар ишни айлантирса
Бўлади ёмонликка.
Биз шундан ҳам қидириб,
Яхшилик топдик, мана.

Бу қўлга саксон мингдан
Қанчаси келиб кетди.
Биттасин охиратга
Харжласак нима бўпти?!

Омон бўлса шундайин
«Оқибатли» қудалар.
Қиз боққанлар, албатта,
Жаннатга тушадилар.

ТУПРОҚШУНОС

Ўттиз беш йил бир жойда ишлаб,
Нафақага чиқдилар чолим.
Энди ҳар кун ёнимда шундай
Тупроқшунос забардаст олим.

Кутиб олдим кўча эшикдан
Солиб узун атлас поёндоз.
Бу одамга атлас нимаикан,
Пойига жон тўшасам ҳам оз!

Йиққан эдим бир саватчага
Қизил гулнинг гулбарглари.
Хонасига кириб боргунча,
Бошларидан сочдим барини.

Ялинсам ҳам қолмасди ишдан,
Уйда қолса зерикар эди.
Шу бугундан шукур, минг шукур,
Эрта-ю кеч биргамиз энди.

Набиралар тарбиясига,
Томорқага қарашади.
Кийиб олиб духоба дўппи,
Маҳаллага аралашади.

Ёш улгайди, катта-кичикка,
Маслаҳатгўй бўлиб қоламиз.
Комил қилиб ибодатларни,
Иншооллоҳ ҳажга борамиз.



Ҳожилик ҳам ярашар жуда
Оқ эҳромда юриб қолсин бир.
Аждодлари олим ўтишган,
Валийлар зурриёди, ахир.

Уч кунгача чолим тушмагур
Ўтирдилар бойлаб бўйинбоғ.
Ишхонасин қўмсаётгани
Билиниб турар эди шундоқ.

Кеча атай бозорга бориб,
Кўк духоба дўппи обкелдим.
Эрталабдан ўша дўппини
Бошларига кийдириб қўйдим.

Тан олгиси келмай чолликни
Ўтирарди шўрлик сўмрайиб.
Недир унга етишмаяпти,
Нимагадир мунғайган, ғариб.

Чолларга ҳам боғча очилса,
Жуда яхши бўлар эди-да.
Чолим шўрлик сиқилиб қолди,
Ўйин тушиб берсаммикан-а?!

Набираларимнинг олдида
Сигарет чекар қути-қути.
Бу аҳволда болакайларнинг
Тарбияси нима бўлади?..

Бир кун дедим: — Чойхона яқин,
Масжид очик, боринг бемалол.
У деди: — Чол бўлиб қолдимми?
Қаридинг деб, кўмиб кел қол!



Бир гап айтсам, узиб олади,
Билмай қолдим нима қилишни.
Бир кун ўғлим ўргатди унга
Телефонда шахмат ўйнашни.

Шу ўйинга ёпишди-қолди,
Ўргатмай ҳам қолсин, илоё.
На бир суҳбат, на бир ибодат,
Гўё шундан иборат дунё.

«Китоб-хитоб ҳам ўқинг», десам,
Дейди: «Бошим ғовлаб кетади.
Тонгдан кўзин очиши билан
Телефонини ковлаб кетади.

Дейди: «Бугун ўн соат ўйнаб,
Икки юзта очко олдим мен».
Ачинмаски, шу ўйинни деб,
Қанча савоб ишдан қолдим мен.

Мақтанади «Шахмат суришда,
Энди ҳаммани мот қиламан.
Ўн юришдан кейин олдиндан
Нима бўлишини биламан».

Унинг бундай вақт ўтказишин
Кўриб, менинг ортар ташвишим.
Эссиз умр, икки дипломли
Олим эмиш яна бу кишим.

Пичирлайман: «Ўн юришдан сўнг
Не бўлишин билар эмишсан.
Доно бўлсанг, ўлгандан кейин
Не бўлишин билгил, уқмаган.



Дунё бўлса шахмат тахтаси,
Ўйнагувчи Роббидир фақат.
Бунда ҳар шоҳ, ҳар фарзин, ҳар от
Шахмат донасидай омонат.

Доно бўлсанг бу ўйинни сен
Тиниқ фикр билан ўйнагин.
Ақл билан, тафаккур билан
Шукр-у зикр билан ўйнагин.

«Чиқ-чиқ» умр ўтаяпти-ку,
Ҳар сония ахир, ғанимат.
Икки юзта очко олгунча,
Ўттиз учтагина тасбеҳ айт.

Соатларнинг «чиқ-чиқ»ида ҳам
Ўйлаб кўрсанг бор катта маъни.
Фафлат ботқоғидан чиққин, деб
Огоҳлантирмоқда у сени.

Ёшинг етаяпти етмишга
Дунё илмин ўргандинг, холос,
Кун бўйи «шоҳмот, шоҳмот», демай
Савоб излаб етти қадам бос.

Биласанми, ҳой, тупроқшунос,
Жисминг тупроқдан бўлганини?
Қабринг таркибин ҳам бир ўрган,
Ерга киришинг ҳам бор ҳали.

Сен қирқ беш йил текширган тупроқ
Қўлларингда ювош турган-да.
Унинг ҳақиқий феъл-атворин
Кўрасан ичига кирганда.



Тафаккур-ла агар бир эшак,
Сендай тупроқ титкилаганда,
Донишмандга айланар эди
Қирқ йил эмас, ўн дақиқада!!»

– Жамоатга қўшилинг, десам,
Ўйинидан кўз узмай дейди:
– Аёл шахс бўлганда, шахматнинг
Тахтасидан жой олар эди.

– Ола-тасир жанг майдонида
Аёлга не бор, ундан кўра.
«Салом бергин, шукр айтгин», деб
Одоб ўргатаман боламга!

Охиратни ўйласангиз-чи,
Дейди: – Ўзингни ўйлагин сен,
Менга жаннат нақд бўлган, ахир,
Валийлар зурриёдиман мен.

Дейман: – Шундан хотиржаммисиз?
Гўё Расул авлоди каби.
Кимники, амали йиқитса,
Турғизиб қўёлмас насаби.

Ҳайҳот! Шукру ҳамдини айтиб,
Яшаса бир қурт солиҳона.
Бу зот олим бўлатуриб ҳам
Феълу амали фосиқона.

Рашк қилиб, қизғониб ўлибман
Кеч келади, дея ишидан.
Бир ой бўлмай жонимдан тўйдим
Нимасин қизғонган эканман?..



ҚИНФИР ҚОВУРҒА

Жирракироқ чиқди келиним,
Гўзал, аммо, бефаросатроқ.
Олти йилда икки ўғилни
Туғиб берди ўша «кўғирчоқ».

Кириб келса, эри кўчадан,
«Менга қаранг», деб бошлайди гап.
Муаммосин айтиб, боламнинг
Ўнг феълини қилворади чап.

Дейди: «Памперс дегандим, қани?»
«Ошхонамдан оқаяпти сув».
Ишдан чарчаб келган эрига,
Ассалому алайкуми — шу.

Куюнади ўғлим: — Бу хотин,
Қанот эмас, кишан-ку эрга,
Тўққизимни ўттиз қиларди,
Доно бир қиз тушганда менга.

Ёмон эмас топиш-тутишим,
Касбим яхши, икки жойда иш,
Мен: «уй олай», десам, хонимнинг
Хоббилари — дўкон айланиш.

Дейман: — Сиқилмагин, жон болам,
Ёш-да, эси кириб қолади.
Шундай бўлган билан, озода,
Кирни оппоқ қилиб ювади.



Дазмол босса, кўйлакларингга,
Тикка турар таёқдек бўлиб,
Иллатини гапиравермай,
Хислатин ҳам қувонгин кўриб.

Болаларинг, уйинг чиннидай,
Ўзи яхши кўради сени,
Ҳамма уйда ғиди-пиди бор,
Рўзғорчилик экан-да энди.

Ўғлим дейди: — Тўрт кун бўлган йўқ,
Олиб келдим совуну кукун.
Қирқ минг сўмлик нарса тугабди,
Оппоқ қилиб ювгани қурсин.

Тежаб-тергаб ишлатса шуни,
Узоқроққа етадими, а?
Пулинг борми-йўқми, иши йўқ,
«Обкебберинг», деяпти яна.

Ҳар соатда қилиб қўнғироқ,
Сўрайди: — Сиз ҳозир қаерда?
Азбаройи бўғилганимдан,
Дейман: — Ойшахолангникида!

Яна айтар муаммо, ташвиш,
Чиқим қилмаган кун — ўларкан.
Дейман: — Оддий қурувчигамас,
Бизнесменга тегсанг бўларкан.

«Апп-шу!», деб қўйса болалар,
Дори билан тўлар ич-эти.
«Пуф», десангиз, шамоллашяпти,
Расво бўлди иммунитети.



Тортмасида уч халта дори,
Тегиб кетди, тўғриси, жонга
Ойда миллион топганимда ҳам,
Ярми кетар дори-дармонга.

Икки ёшли болага памперс,
Ташланади моғор босган нон.
Онажон-чи, бу хотин билан,
Бирим икки бўлиши гумон.

Эссиз болам, дейман, ичимда,
Роботсан-да пул топадиган,
Малайликка, сени мана шу
Бетаъсирга туққан эканман».

Қани эрга ғамхўрлик, ҳурмат?
Нодон келин, ўқимайсан-да.
Ўттиз аёл тўғри келаркан,
Ҳисобланса, битта эркакка.

Ўйлайсанки, ўгилларинг бор,
Туғиб, эрни «босиб» оласан,
Ширин сўзлаб, кўнглин олмасанг,
Бир кун ундан қуруқ қоласан.

«Болам бор», деб ўтирмас эркак,
Топталганда гурур, ҳурмати,
Рўзғоридан қўяди баланд,
Ҳаловату қадр-қимматин.

Кўрмаганман ҳаёт китобин,
Ўқиб ёки тинглаб эртакни,
«Болалар, деб шу аёл билан,
Ўтдим», деган бирон эркакни.



Оналарга айтсам: «Қизларга,
Илму урфон, касбу хунардек,
Муомала санъатини ҳам,
Эринмасдан ўргатиш керак.

Тарбиялаш керак уларни,
Кўчабопмас, рўзғорбоп қилиб,
Улғайсинлар, исроф нима-ю,
Тежамкорлик нелигин билиб».

Ўғлим дейди: — Калтаклаб турсам,
Ўзин ўнглаб олармиди сал,
Дейман: — Ҳай-ҳай, болам, аёлга
Қўл кўтарма, гапирма дағал.

Қандай гўзал хотининг бор-а!
Кўзларини қарагин буни,
Қимирласа чирой чиқади,
Қандай ургинг келади шуни?

Жоним, болам, бундай аёлга,
Қилиш керак нозик сиёсат.
Ширин сўзлаб, топган пулингнинг
Фақат ўндан бирини кўрсат.

Айбин айтиш ўрнига мақта,
Ўзида йўқ хислатин гапир.
«Доногинам», «тежамкорим», де
Ширин сўзинг билан қил асир.

Дегин: «Менинг ақли гулим,
Турар бору йўғимга кўниб,
Шунинг учун яшайман сени,
Меҳру муҳаббатимга кўмиб».



Жоним болам, бир гап айтайми?
Аёл — момо Ҳавонинг насли.
Билсанг, ҳамма хотинлар қинғир
Қовурғадан яралган асли.

Аллоҳ лойдан ясаб Одамни,
Жон киргизиб қўйса танига,
Одам ёлғиз зерикётганмиш,
Шерик ясаш керак ёнига.

У Одамни ухлатиб қўйиб,
Олиб қинғир қовурғасидан,
«Ҳаво», дея атаб номини
Ясаб қўйибди бир нозик тан.

Ўғлим деди: — Эссиз, тўғрироқ
Қовурғадан ясалганида...
Дедим: — Тўғри қовурға борми,
Жоним болам, инсон танида?

Муроса қил, алдаб йўлга сол,
Бир кун гапинг таъсир қилади,
У ўзингнинг қинғир қовурғанг,
«Тўғрилайман» десанг, синади.

Ўғлим деди: — Сиз ҳам аёл-ку,
Яшардингиз йўғни йўриқлаб,
Дердингиз: «Гап айтма отангга,
Ўзи ишдан келади чарчаб».

«Уйда не йўқ?», деб сўрасалар,
Айтардингиз: «Ҳамма нарса бор»,
Музлаткичнинг бўшлигин кўриб,
Қилиб келар эдилар бозор.

Дер эдингиз: «Яланг ҳовлини!
 Ҳамма кийсин тоза либосин.
 Ишдан келиб қолса отангиз,
 Уйда хунук нарса кўрмасин».

Ҳоким эмас, министр эмас,
 Оддий ишчи эди отамиз.
 Бино қўйиб, уни бизларга,
 Подшо қилиб кўрсатардингиз.

Овқатингиз гўштсиз бўлса ҳам,
 Кўзларингиз кулиб турарди.
 Уйда тинчи бор учун, отам
 Кўчада «бек» бўлиб юрарди.

Онасининг муомаласидан
 Болаларим улғайгач, бешак,
 Мени «бизнинг отамиз эмас,
 Кулимиз», деб ўйласа керак!

Дедим: — Ўғлим, унақа дема,
 Исроф қилса, ранжитса сени
 Ҳисоб куни, ҳар иши учун,
 Ўзи жавоб беради энди.

Сен, мен бўлиб, юмшоқлик билан,
 Уқтирамиз ҳуқуқу бурчин.
 Болаларинг етим бўлмасин,
 Онасининг хатоси учун.

Абадий, чин ҳаёт олдинда,
 Ўйлаб қўйдим бир қизиқ тадбир,
 Хотинингга айтма, бери кел,
 Қулоғингга айтаман бир сир:



Ўнгламаса ўзидан кўрсин,
Айтди-қўйди, демагин онам,
Эсон-омон жаннатга кирсак,
Бошқа уйлаб қўяман, болам.

Шўрлик ўғлим, бир хўрсинди-ю,
Ҳазилимни тушуниб кулди,
Шукур, жиндек табассум билан,
Тоғдай ташвиш нўхотдек бўлди.





АФЛОТУННИНГ «ХОТИНИ»

Эрим деди: — Ишонсанг,
Бир дўстимга қарз бердим,
Қарз бердим, ҳам пулим,
Ҳам дўстимдан айрилдим.

Бу йил ўн йил бўлади,
Чопа-чопа толдим мен,
Эшигига пул сўраб,
Беш юз марта бордим мен.

Хотинининг олдига,
Аяси, сен, бориб боқ,
Дедим: — Билинг, дунёда,
Энг зўр савоб — қарз бермоқ.

Жаннатнинг эшигига
Ёзилганмиш бир ҳисоб:
«Садақага — ўн савоб -
Қарз берганга юз савоб».

Ҳикматларда: «Қарздорни
Бойигунча кут, деган,
Фақир бўлса, қистамай,
Қарз баҳридан ўт, деган».

Эрим деди: — Ҳозир бой,
Пулни бермайди, номард,
Машина, ҳовли олиб,
Уй солди қават-қават.



Қўрқиб кетдим: — Ё, тавба!
Бу қандайин жаҳолат?
Ўлса шунча қарз билан,
Охирати — ҳалокат.

Бордим ўша одамнинг,
Сўраб, уй-маконига.
Тушунтирдим, ўтириб,
Хотинининг ёнига:

«Айланайин, ўртоқжон,
Эр — подшо, биз — вазирмиз.
Киrolмаймиз жаннатга,
Турса шунча қарзимиз.

Қарздор қарзин узмаса,
Бўлиб туриб имкони.
Қабул бўлмайди, ҳатто,
Қилган хайру эҳсони.

Сиз эса, уй қурибсиз,
Мошин олибсиз, мана,
Қарз узишнинг ўрнига
Тўй қиляпсиз яна.

Биламан, ожизамиз,
Эрга етмас кучимиз.
Аммо ҳар не қилиб ҳам,
Йўлга солмоқ бурчимиз.

Болам-чақам, деб юрар,
Шўрлик эр, не қилмасин.
Секин айтинг акамга:
Охирати куймасин».



Қайтдим. Дедим эримга:
— Бошқа сўраманг қарзни
Хотинига етказиб
Қўйдим суннату фарзни.

Обкелмаса, қайғурманг,
Бўйнида қарз жавоби.
Қай чўнтақда юрмасин,
Сизга шу пул савоби.

— Ўзим яхши эканман, —
Деди, эрим, кўнгли тўқ, —
— Ўйлаб кўрсам бировдан,
Ўн беш тийин қарзим йўқ.

Машинам бор, уйим бор,
Бор мрамардан ҳовузим,
Ҳовлимда савлат тўкиб,
Юрар бир жуфт товусим.

Мен дедим: — Шошмай туринг,
Ҳисоб-китоб қилишми?!
Олдим тўлов қоғозлар
Соладиган идишни.

Дедим: — Қарзсиз чироқдан,
Иссиқ сувдан тўққиз минг,
Зангор олов тўрт ойга,
Ўн беш минг мулла жиринг.

Уч-тўрт марта қатнади,
Шўринг қурғур тўрт ходим,
«Кейинги ой бераман»,
Деб, қутуласиз доим.



У деди: — Тўй қияпман,
Вақтим йўқ бош қашлашга,
Дедим: — Кафолат борми
Яна бир ой яшашга?

Чироқсиз бир яшанг-чи,
Қоронғуда қоласиз,
Ювинмай юришга-чи,
Қанча чидай оласиз?

Эрим деди: — Бир юртда
Сув, чироқ эмиш текин.
Дедим: — Улар ўз юртин
Таласа, талайверсин.

Ниманики хор қилсак,
Ўшанга бўламиз зор.
Ҳисобли дўст айрилмас,
Деган, мақоллар ҳам бор.

Бемалол ишлатяпсиз,
Олишда олар жоним.
«Тўла» деса, қочасиз
Беришда чиқар жоним.

Гўё бу неъмат, шундоқ
Ариқчада оқади.
Ўйланг, бундан қанча жон,
Бола-чақа боқади.

Бу ҳам қарз-ку, бермасдан,
Судраб юрсангиз яна,
Қанча одам вақтида
Ололмайди мояна.



– Ўлиб кетаяпманми,
 Турасан шунча заплаб?
 – Қалай экансиз?! – дея
 Узоқдан бошладим гап:

– Дор ўйнаб кўрганмисиз?
 Ўйнайсиз ҳали, шошманг,
 «Нима, мен дорвозмидим»,
 Дея, тутоқиб шошманг.

Ҳали бир дор ўйнаймиз,
 Пулсиротнинг устида,
 Харидор бўлиб дўзах,
 Чапак чалар остида.

Дунё яшалиб, эскиб,
 Сўнгги куни келган дам.
 Биронта ҳам қолмайди,
 Дорга чиқмаган одам.

Бунда дорбоз йиқилса,
 Тушади ерга шундоқ,
 У дор ости – жаҳаннам,
 Оловли катта ўчоқ.

На чекиниб, на қочиб,
 Бирон қилиқ қиб кўринг,
 «Бор, чиқмайман дорингга,
 Дорвозмидим», деб кўринг.

«Чув туширдим, боладим»,
 Деб, қилган бўлсак роҳат,
 Энди ўша қил йўлда
 Кўрсатамиз маҳорат.



Илдам, чошиб ўтади,
Инсофли фақирми, бой
Ўғри, судхўр, ҳаммадан,
Қарздорларнинг ҳоли вой.

Уларга минг йиллик йўл,
Тайёрага чиқолмас,
«Форд»ми, «Мерседес», «Тико»
Сайёрага чиқолмас.

Бу йўлда манзилингга,
Киракашлар элтмайди,
Бунда «Боинг» ва ҳатто,
Ракетанг ҳам кетмайди.

Ўрнимга ўтиб бер, деб,
Ёллаёлмайсан киши.
Бу ҳар ким, ҳар бир жоннинг.
Ҳақиқий шахсий иши.

Бирор мадад, ёрдам йўқ,
Ҳар ким ўзи ўтади,
Шунда қарздорнинг қарзи
Оёғидан тутади.

Эрим кўрқиб деди: — Бас!
Пулни олу, даф бўлгин,
Газми, сув, чирофингга,
Тўлагину «ҳап» бўлгин.

Тек қўйса, эринггаям,
Панд-насиҳат қиласан,
Афлотуннинг «хотини»,
Ҳар балони биласан.



— Ислом тамаддунининг
Марказида яшаб ҳам,
Ўлибманми, Бухорий
Ҳадисларин билмасам?!

Қарзни тўладик, бизга
Марҳамат қилди Аллоҳ,
Пулсирот балосидан,
Қутулдик, иншооллоҳ.

Энди қурбонлик учун
Битта қўзи олайлик,
Эрим деди: — Динозавр
Сўйиб қўя қолайлик.

Кула-кула, пишириб
Қўшниларга шу куни
Ҳолвайтар тарқатдим мен —
Афлотуннинг «хотини».

«Дардинг бўлса бўлсину,
Аммо қарзинг бўлмасин»,
Дея матал тўқиган
Донишмандлар ўлмасин.





ДАМ ОЛГАНИ БОРАМАН

Уй тўла бола-чақам,
Юрагимга керак дам,
Шукур, чиқди нафақам,
Дам олгани бораман.

Ҳеч нимага ишлатмай,
Бир боламга ушлатмай,
Соғлигим учун атай,
Дам олгани бораман.

Бошқалардан нейим кам?!
Икки юз минг нафақам,
Ўн кунгина бўлса ҳам,
Дам олгани бораман.

Рангим қолди синиқиб,
Қовоқларим димиқиб,
Келайин бир тиниқиб,
Дам олгани бораман.

Учта болам — учта ғам,
Ҳали у, ҳали бу кам,
Бир яшашсин менсиз ҳам,
Дам олгани бораман.

Нотинч қизим рўзғори,
Эри нобоп, безори,
Эзди шунинг озори,
Дам олгани бораман.



Жойлаётсам чой, тузим,
Келиб қолди-ку қизим,
Мақтандим ёниб кўзим:
«Дам олгани бораман!»

Қизим сўради мендан:
— Пул келди қай одамдан?
— Давлат, деган «отамдан»!
Дам олгани бораман.

— Тавба, тавба! — деди у,
Юзида ёниб кулги,
— Отангиз ўлганди-ку?!
— Дам олгани бораман.

Бу «отам» ҳеч ўлмайди,
Мени ташлаб қўймайди,
Ҳар ойда бир йўқлайди,
Дам олгани бораман.

Туққан боланг ҳам қайда,
Пул юборар ҳар ойда?
Ўша «Отам»дан фойда,
Дам олгани бораман.

Қанча болам бўлмасин,
Қанча суяб, суймасин,
Шу «отам»дан қўймасин.
Дам олгани бораман.

Қизим пўнғиллаб деди:
— Куёвингиз юборди,
Пул керак бўлиб қолди,
— Дам олгани бораман.

Дедим: «Эринг ичади,
Пул бердингми, сочади,
Шу сафар тинч кўй мени
Дам олгани бораман».

«Отам» деган: «Ишладинг,
Катта-катта тишлагин,
Соғлигингни тиклагин.
Дам олгани бораман.

Деди: «Пулсиз борсам гар,
Жанжал қилади баттар,
Борарсиз бошқа сафар...»
Дам олгани бораман.

Туриб олди «Беринг» деб,
«Қайтарамиз, келинг», деб,
Ўлади шу эрин деб,
Дам олгани бораман.

Дедим: «Сенга борлигим,
Тириклигим, соғлигим,
Керакмасми, жон қизим,
Дам олгани бораман».

У деди: «Нима қилай?
Пешонам бўлса шундай?!
Ё пул беринг, ё ўлай!»
— Дам олгани бораман.

Шу эрингнинг дастидан,
Қутулмадим асти ҳам.
Одамдай қачон мен ҳам,
Дам олгани бораман?



Сенга шу пулми, ма ол,
Эрингга ёпишиб қол!
Кейин мен ҳам бемалол,
Дам олгани бораман».

Қиз пулни олиб кетди,
Чўнтакка солиб кетди,
Ҳамма иш қолиб кетди.
Дам олгани бораман.

Осмонга қараб сокин,
Юм-юм йиғладим секин:
Ғалвасиз жой бормикан?
Дам олгани бораман.

Йиғладиму юпандим,
Мана, ўтди бир куним,
Яна келади пулим,
Дам олгани бораман?

Нега қиламан «оҳ-воҳ»
«Отам» бор бошда паноҳ.
Шу сафар, иншооллоҳ,
Дам олгани бораман.





ХОРАЗМДАН КЕЛИН ОЛАМАН

Келин олдим катта ўғлимга,
Гап қайтариб куйдирди роса.
Кичкинамга, Худо хоҳласа,
Хоразмдан келин оламан.

Келинлари гапирмас эмиш,
Ўн йилда ҳам кўрсатмасмиш тиш,
Ана одоб, ана ийманиш,
Хоразмдан келин оламан.

Қўлин ишқаб тиззаларига,
Табассумин қилмасдан канда,
Эгилармиш салом берганда,
Хоразмдан келин оламан.

Бош иргармиш «ҳа» деганида,
Бош чайқармиш «йўқ» деганида.
Сўзсиз, фақат имо-ишора
Хоразмдан келин оламан.

Иш қилади жимгина юриб,
Жаврамайди боласин уриб,
Қойил қолдим Хивада кўриб,
Хоразмдан келин оламан.

Гапирганмиш ўн йилда аранг,
Асаблари бўлмабди таранг,
Сабру қаноатини қаранг,
Хоразмдан келин оламан.

Бу бир ҳурмат қайнотасига,
Қайнопа-ю, қайноғасига,
Эҳтироми қайнонасига,
Хоразмдан келин оламан.



Менинг келинимга биронта
«Ярим соат жим тургин», деса,
Тарс ёрилиб кетар эди-я,
Хоразмдан келин оламан.

Келинман-ку, демайди бир бор,
Беақлга насиҳат бекор,
Чакагидан бўлганман безор,
Хоразмдан келин оламан.

Статистика берур хабар,
Вайрон бўлса қай оила агар,
Айбдори шу узун тиллар,
Хоразмдан келин оламан.

Келин бўлса камгап, шундайин,
Табассумли, нигоҳи майин,
Тиниб-тинчиб кетиши тайин,
Хоразмдан келин оламан.

Аёл бўлса камгап, иффатли,
Бўлар экан ҳурмат, иззатли,
Шундан ажралиш йўқ деярли,
Хоразмдан келин оламан.

Мақтанади битта онахон:
«Галиним дим яхши-да, меҳмон.
Овози чиқмаган ҳеч қачон»,
Хоразмдан келин оламан.

«Салом» деган сўзни айтишга
Қандай айтсам яхшийкан, дея
Шўрлик ўтгиз йил ўйланди-я
Хоразмдан келин оламан.

Ҳурматимиз қилди, биз рози,
Набирали бўлганда ўзи,
Мана энди чиқди овози
Хоразмдан келин оламан.

Гарчи сўз бўлса ҳам олтин, дур,
Келинларга сукут ярашур.
Водийлик қизпошшалар, узр,
Хоразмдан келин оламан.

Дейишарди: «Бу эл айниган,
Раққосалар бешарм бирам,
Ароқ ичар кампирлари ҳам»
Хоразмдан келин оламан.

Атай бориб, кузатдим ўзим,
Ҳожиларнинг конини кўрдим,
Илму ҳунар яшнатди кўзим,
Хоразмдан келин оламан.

Эл-улуси меҳмондўст, танти,
Хуш лаҳжаси тилларин қанти,
Шайх Нажмиддин Кубронинг юрти
Хоразмдан келин оламан.

Гўзал, хушрўй қизларин кўрсам,
Ёшуллисин қилур муҳтарам.
Қалин пулин кўпроқ берсам ҳам,
Хоразмдан келин оламан.

Бир пайтлар тилим орқасидан,
Калтак еб ўлардим эримдан.
Мен ҳам ибрат олсам бўларкан,
Хоразмдан келин оламан.



Салом кун чорлайман сизларни,
Кўринг сўзсиз кулган юзларни.
Бирга олиб келинг қизларни,
Хоразмдан келин оламан.

Гўзал хулқ, урф, одатга келинг,
Назокатга, иффатга келинг,
Келин кўрар, ибратга келинг,
Хоразмдан келин оламан.

Кўлларида таом емакка,
Нарвон қўйиб ўзим чердакка,
Чақираман тухумбаракка,
Хоразмдан келин оламан.

Гапирмайди ҳуда-беҳуда,
Учрамайди тил офатига.
Тақвонинг энг чўққиси шу-да,
Хоразмдан келин оламан.

Бу келинлар аниқ билади,
Ҳар сўзнинг жавоби бўлади,
Балки шундан сукутда бари,
Хоразмдан келин оламан.

Шу илм, шу зиё ҳурмати,
Шу иймон, шу тақво ҳурмати,
Шайх Нажмиддин Кубро ҳурмати,
Хоразмдан келин оламан.

МУНДАРИЖА

Ватан ҳақида қасида	3
«Дазмол»	8
Бўз тўқувчи кампир ва баззоз	13
Хориж телеканалларини кўриб	16
Зоҳид ва қайиқ	19
Насиҳат	20
Ҳазрат Умар ва ўғри	21
Ёмғир	22
Ўзбекка тўй ярашар	24
Чивин ҳақида	27
Ёлгончи	28
Табиб она ва шайх Нажмиддин Кубро	29
Алпомиш	30
Ёмонга сукут	36
Ўзим ким-у... ..	37
Оёғи йўқ келиним	39
Бозорга борамиз	45
«Рап-рап»	48
Ҳай, ҳай, уят!	51
Оқибатли кудалар	55
Тупроқшунос	58
Қинғир қовурға	63
Афлотуннинг «хотини»	70
Дам олгани бораман	77
Хоразмдан келин оламан	82

МАРҲАБО

Оқибатли қудалар

Шеърлар

Тошкент — «Yurist media markazi» — 2014

Муҳаррир: *Адиба Ҳамро қизи*

Техник муҳаррир: *Мухриддин Ҳамроев*

Мусаввир: *Шухрат Одил*

Саҳифаловчи: *Суннат Пўлатов*

Мусахҳиҳ: *Дилшода Аввалбоева*

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7 Марҳабо, Каримова.

М 26

Оқибатли қудалар: шеърлар / М.Каримова.
– Тошкент: «Yurist-media markazi» нашриёти,
2014. – 88 б.

ISBN 978-9943-4131-6-0

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Нашриёт лицензияси АИ № 221 — 16.11.2012 йил. Босишга 2014 йил 22 июлда рухсат этилди. Офсет қоғози. Таймс Тад гарнитураси. Бичими: 84×108¹/₃₂. Шартли босма табоғи: 5,5 б.т. Адади: 10000 нусха.

«Yurist-media markazi» нашриёти, Тошкент ш., Отчопар кўчаси, 82-уй. Тел: 230-04-74, 212-47-79. Эл.манзил: yurist-media@mail.ru.

«Sirius-media» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш., Бобур кўчаси, 4-уй. Буюртма № 13/SM-14.

Марҳабо

Оқибатли қудалар



ISBN 978-9943-4131-6-0



9 789943 413160